



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 17-dekabr • № 51 (4086)

## АДАБИЁТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Шу йилнинг 23-24 декабр кунлари "Дўрмон" ижод боғида ёш таржимонларнинг республика семинари бўлиб ўтади.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисолида "Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўйбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда," – дея таъкидлаб ўтилган.

Бундан уч ой муқаддам бир гуруҳ фарғоналик ёш қаламкашлар асарларидан тартиб берилган "Ҳайрат булоқлари" номли шеърый мажмуа босмадан чиқди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уюшма аъзолари, Зулфия мукофоти соҳибалари, Миллий университетимиз, Жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида ўтган тадбирда Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлимининг мазкур ташаббуси қизгин маъқулланди ва уни кенг ёйиш тақлифи ўрғатилди.

Давоми иккинчи саҳифада.



## БУХОРОДА ТЕАТР САЊАТИ ҲАФТАЛИГИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан Бухоро шаҳрида пойтахт театрларининг "Театр санъати ҳафталиги" ўтказилмоқда.

Химоя қилиш, Ватанга, юртдошларга муҳаббат ва келажак учун масъуллиқ туйғуларини кучайтириш, халқимизни эзгу мақсадларга даъват этиш театр санъаткорларининг асосий бурчидир.

нинг "Уйқусиз кеча" ва Эркин Хушвақтовнинг "Қирмизи олма" спектакллари тақдим этилди. Шу билан бирга театр актёрлари махсус лойиҳа асосида "Театр – менин ҳаётимда" театриштирилган концерт дастурини намойиш этиб, олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида талабалар билан ижодий учрашувлар ўтказди.

эса замондошларимиз ҳаётига бағишланган "Матонат" (У.Азим асари), Республика Ёш томошабинлар театри жамоаси ёшларни четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асрашга қаратилган "Дискотека" ва "Ҳалоллик истаб келим" спектакллари намойиш этилди. Ўзбекистон Ёшлар театри немис драматурги Лутц Хюбнернинг бугунги ёшлар ҳаётига бағишланган "Мусобақа" асарини тақдим этиди. Ўзбек давлат драма театри драматург Шуҳрат Ризаевнинг "Етакчи" спектаклини кўрсатиш ниятида.

## «ХАМСА» интернетда

Чинакам адабиёт илосмандлари Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини интернетда www.ziyouz.com маънавий портали орқали тўлиғича ўқиш имконига эга бўлди.

Навоийнинг мазкур дostonлари ҳам кирди. Интернетдаги ана шу бўшликни тўлдириб мақсадида www.ziyouz.com маънавий портали қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Ўз ахборотимиз

## Хотира кечаси

Давлат Божхона кўмитасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди.

Адабий кечага "Шарқ зийори" мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилган адиб асарлари кўргазмаси ҳам алоҳида фойз баянлашди.

Хусен ТАНГРИЕВ

## Маданий ҳаёт

Ўзбекистон давлат консерваториясида Германия Федератив республикасининг мамлакатимиздаги элчиюнаси томонидан немис скрипкачиси Андреас Райнер ҳамда пианиночи ва дирижёр Дезар Сулейманнинг концерт дастури намойиш этилди.

## «Савти дугоҳ» тақдими

Ўзбекистон миллий университетининг маърифатпарвар шоир Мискин ижодига бағишланган хотира кечаси ва шоирнинг «Савти дугоҳ» шеърлар тўплами тақдими бўлиб ўтди.

## «САВИ ДУГОҲ» ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон миллий университети ўзбек филологияси факультети декани Нурбой Жабборов, адабиётшунос олимлар Абдуғафур Расулов, Улугбек Долимов, Бахриддин Насриддинов, ёш тадқиқотчи Шавҳобиддин Нуриддинов Мискин ҳаёти ва ижоди, адабий меросининг ўرғанилиши, шоир шеърлари бағишланган кўшиқлар, «Савти дугоҳ» шеърлар тўпламининг жанр хусусиятлари, тасвир санъатлари ҳақида сўзлашди.

ри Сирождиддин Саййид, Ўзбекистон миллий университети ўзбек филологияси факультети декани Нурбой Жабборов, адабиётшунос олимлар Абдуғафур Расулов, Улугбек Долимов, Бахриддин Насриддинов, ёш тадқиқотчи Шавҳобиддин Нуриддинов Мискин ҳаёти ва ижоди, адабий меросининг ўрғанилиши, шоир шеърлари бағишланган кўшиқлар, «Савти дугоҳ» шеърлар тўпламининг жанр хусусиятлари, тасвир санъатлари ҳақида сўзлашди.

4

## ТАЛАБА РАҚҶОСАЛАР

Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари турли халқаро ва республика танловларида совринли ўринларни эгалламоқда.



этидилар. "Тошкент зеболари", "Офарин", "Сабо", "Ўзбекистон" ансамбллари ҳам гўзал рақслари билан тадбирга фойз бағишладди.

Дилафрўз МАРИПОВА

## АРГЕНТИНА КИНОСИ КУНЛАРИ

Жаҳон кино санъати илосмандларини аргентиналик ижодкорлар ишлаган бетақорор филмлар билан таништириш мақсадида юртимизда илк бор "Аргентина киноси кунлари" ўтказилди.

## «Туркистон-пресс»

Тадбирда ўз филмларини ўзбек томошабинларига тақдим этиш орқали уммон орти халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, қадриятлари ва маданияти билан таништириб, дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга интилаётганликларини таъкидлашди.

## «САВИ ДУГОҲ» ТАҚДИМОТИ

Тадбирда умуминсоний, фалсафий ғояларга йўғрилган "Бегона", "Хитой бари", "Унабуку", "Ёғоч", "Осқур қамераси", "Тансоқчи" каби ўнга яқин филм намойиш этилди.

## ЭНГ ЯХШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ИХТИРОЛАРИ

«Баркамол авлод йили» давлат дастурида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш вазифаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

ушбу соҳага инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига истиқболли янгиликларни татиқ этишга кўмаклашиш, ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодийetni рағбатлантиришни кўзда тутиди.

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Илимиз ҳам яқунлиниб бормоқда. Бироқ сеvimли газетангиз — «ЎзАС»га обуна эса давом этади. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи санасигача расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб ижодий мулоқотимиз давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАЛИКАЛАРИ

ёшлар учун маҳорат сабоқларини намойиш қилди. Бадий гимнастикада ўзбек қизларига хос назоқатли ҳаракатлар устувор. Шунинг учун ҳам уни халқимиз сеvimли рақс санъати мисоли қабул қилмоқда.

## Гулноза АБДУСАТТОРОВА

Пойтахтлик қизлар сафида XVI Осиё ўйинлари совриндори Луиза Галиулина ва Осиё чемпионни Азиза Мамажонова ҳам бор. Улар гимнастикачи қизларга ҳамда Қорасув, Хонобод шаҳарлари ва Асак тумани мактабларида ўз санъатларини намойиш қилиб, маҳорат сабоқларини ўтказдилар.

Набижон ЖАЛОЛОВ

# АДАБИЁТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.


Ёш ижодкорларни Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилишда уюшма аъзоллигига тавсия этиладиган номзоднинг бадиий иқтидорини, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти асосий мезон қилиб олиниши кундак равшандир. Лекин уюшмага келиб тушаётган тавсиялар, ҳужжатлар билан танишар эканмиз, бу мезонга ҳамиша ҳам амал қилинапти, дегилмаймиз. Кўпинча номзоднинг ҳақиқий ижодий салоҳияти ҳамда унга берилган тавсияномалар ўртасида катта тафовут кузатилмоқда. Адибларимиз ёш ижодкорларга уюшмага аъзо бўлиш юзасидан тавсиянома берар эканлар, ушбу масалага масъулият билан ёндашишлари лозим. Ёзувчилар уюшмаси муқаддас даргоҳ. Унга адабиётнинг қисмат деб биланди, бутун борлигинининг хизматига бахш этилган том маънода-

ги ижодкорлар қабул қилинишига эришмоқ лозим. Адабий уюшма аъзоллигини мартаба, имтиёз, деб билгучи, энгил хою ҳаваси истаклар билан бу даргоҳга интилувчи номзодлардан на уюшмага ва на адабиётга манфаат етди.

Маълумки, ноябр ойининг 23-27 кунлари "Дурмон" ижод уйида ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлардан келган ёшлар беш кун давомида бир умрга етгучлиги адабий таассуротлар, сабоқлар олдилар, десак муволафа бўлмас. Чунки, аввало, улар ўз назми ва насрий машқларини устозлар ҳуқмига ҳавола этиб, ўзига хос имти-

хон-синовдан ўтдилар. Эл-юрт ардоғидаги устозлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, уюшма раҳбари Бобур Алимов марузаслари, Иброҳим Рафуров, Турсунбой Адашбоев, Усмон Азим, Сирожиiddин Саййид, Иқбол Мирзо, Абдулла Аъзамов, Саъдулла Ҳаким, Иқром Отамурод, Шухрат Ризаев, Улугбек Ҳамдам, Собир Унар, Рустам Мусурмон каби таниқли ижодкорлар томонидан берилган адабий сабоқлар, "Маҳорат адблари" дарсларида Озод Шарафиддинов, Муҳаммад Юсуф маҳорат мактаби сирларидан оғоҳ бўлганликлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти" ва "Шарқ юлдузи" журналлари жамоаси билан яқиндан танишуви, ушбу тахририятлар ижодий жамоаси билан эркин мулоқотда бўлиб, фикр алмашишлари — буларнинг барчаси анжуман қатнашчилари учун шубҳасиз ўзига хос адабий мактаб вазифасини ўтади.

Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб қилинган савҳат чоғида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйилди, Ойбек, Абдулла Қаҳор уй-музейларига борилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 90 йиллиги ижодий кечасида иштирок этишди. Хуллас, ёш



иждодкорларнинг мазкур анжумани фойдали ва қизиқarli ўтди, таассуротларга бой бўлди. Бундай анжуманлар яна давом эттирилиши, аънаввий тарзда ўтказиб борилиши мақсадга мувофиқ экани аён бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлар фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда. Хусусан, салоҳиятли ва иқтидорли ёш ижодкорлар сафини кенгайтириш ва улар билан мунтазам иш олиб бориш, адабиёт соҳасида ижод қилаётган "Зулфияxonим қизлари" билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, устоз-шогирд ижодий мулоқотини мазмунан бойитиш, ёшлар ижодида жаҳон адабиётининг дурдона асарларига қизиқишни янада кучайтириш, ёш таржимонлар, ёш шоирлар ва ёш драматурглар мактабини яратиш давр талабига айланди. Бинобарин, истиқболда бадиий таржимага эътибор уюшма фаолиятининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Мустақиллик даврида биз мамлакатимиз раҳбариятининг адабиётимизга бўлган эътибори нақадар муҳим аҳамият касб этаётганига шохид бўлиб турибмиз. Юртимизда юз бераётган бегиб ўзгаришлар даврида заҳматқаш адабиёт ахлининг ҳам мақсад-вазифалари тобора ортиб бораверади.

**Бобур ГИЁСОВ,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар**  
**уюшмаси масъул котиби**

## Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз ЖАББОРОВ

Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудодилка учради.

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов 2010 йил 13 декабр куни 80 ёшида вафот этди.

Ж.Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилди. 1952 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни ташриф келди.

Меҳнат фаолиятини 1953 йили «Шарқ юлдузи» журналида бўлим муҳрири сифатида бошлади. Кейинчалик «Гулхан» журнали бош муҳаррири, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби масъул вазифаларда ишлаб, матбуот ва адабиётимиз ривожига салмоқли хисса қўшди.

Устоз шоир ўзининг 60 йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида «Ватанимни қуйлайман», «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Тоглар садоси», «Она ер кўшиги», «Субҳидам хаёллари», «Эътиқод» каби шеърӣ китоблари, долзарб мавзулардаги драматик асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари билан адабиётимизда муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, истиқлол йилларида Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг озод ва эркин ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи бадиий юксак шеър ва кўшиқлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислохот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ж.Жабборов тажрибали адиб, жонқуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий гоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садодат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб, ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Жуманиёз Жабборовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасида Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг озод ва эркин ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи бадиий юксак шеър ва кўшиқлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислохот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ж.Жабборов тажрибали адиб, жонқуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий гоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садодат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб, ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Жуманиёз Жабборовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қалайди.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ,  
А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, Ё.АХМЕДОВ**



## Куюнчак газетхондан мактуб

хитдан, таълим-тарбиясидан далолат беради. Демак, бугун ёшларни тартибга чақариш, оддий салоомлашишдан тортиб, катталарни хурмат қилишга ҳурғатиш учун, аввало, ишлари уларнинг оила-сиёдатидан бошлаш керакка ўхшайди. Агар фарзандимиз кўшнимизнинг жон қуйдирмаса, миллатимизнинг эртанги маънавиятига соя солган бўлмаймизми?

Яна бир гап. Дам олиш масканларида, кўп қаватли бинолар атрофидаги ўриндиқларда кучоқлашиб ўтирадиган қиз-йигитларнинг ҳам ота-онаси, акиси, ақинларига айтадиган гапим бор. Агар бугун ҳар биримиз яқинларимиз хаёти билан қизиқмас эканмиз, эртага маҳалла-кўй, жамаият, олдида уялиб қолишимиз тайин.

Уларга севги, муҳаббат, оила муқаддас тушунчалар эканини, шунчаки хою ҳавас оқибати яхшиликка олиб келмаслигини қайта-қайта уқтириш керак. Назаримда, севиш-севишлиш ниҳоятда нозик масала, бироқ севгини соф, самимий, беғубор бўлишига аҳамият берилмаса, бу муқаддас туйғу жуда яланғоч ҳолда тасаввур қилинади ва жўн нарсага айланмоқ қолади. Шундан эҳтиёт бўлмоқ керак. Бировнинг фарзандини, унинг туйғуларини оёқости қилган одамни ўзининг инсонийлик бурчини тамомила унутганлар қаторига қўшган бўлардим. Бу бизнинг қадриятларимиз, аъналаримизга ҳам тўғри келмайди.

Эртанги авлод бугуннинг юзи, кибфаси экан, бунинг учун ҳар биримиз бирдай масъулмиз.

**Хилола АБДУРАҲМОНОВА,**  
**талаба**

## «ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАМАН, КЕЛИНИМ ЭШИТ!»

нинг "ким"лигини кўрсатишга уриниш, дея изохлаш мумкин, холос. Шунга ўхшаш йигит-қизларнинг ота-онаси, наҳотки фарзанди тарбиясига, кўча-кўйда ўзини ахлоқсизларча туттигиша лоқайдлик билан қараса?

Кўп эшитиб қоламан: авваллари бирор маҳаллада ўсиб, вояга етаётган бола, албатта, ўша маҳалланинг катталари сўзига қулоқ солган, насиҳатларига амал қилган. "Бировнинг боласи билан нима ишингиз бор?", "Насихатингизни ўзингизнинг болангизга қиласиз!" дея очқандан-очқидан гап қайтаришга андиша қилишган. Хозир эса, афсуски, фарзандлари қолиб, бундай гапларни уларнинг ота-оналаридан ҳам эшитиб қолмасиз. Ахир, ёшлар катталардан ўртак олмайди.

Менимча, боланинг кўчадаги маданияти унинг оиласидаги му-

боласи билан уриштирилган келганда ёнини олаверсак, эртага у ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини "тахман" деб ўйлайди ва истаганда ахлоқсизлик қилиб юраверади.

Хозир катта ёшдаги одамлар аксар ҳолларда ёшларнинг ноўрин бемаза қилиқлари ва гап-сўзларини эшитиб, кўриб индамай ўтиб кетадиган бўлишган. Тўғри, уларни ҳам тушуниш керак. Боласи тенгидан даки эшитиб, асабини бузгандан кўра, кўриб кўрмаганда олган маъқулроқ. Лекин, барибир, бу уларни оқламайди. Чунки катталар доимо ёш авлод маънавияти учун масъул. Бу бизга ота-боболаримиздан ўтиб келаётган қадрият саналади. Кўчада бир-икки марта даки эшитган бола қачондир, албатта, ўйга толиши табиий. Аммо буни хозиргидай ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, қимдир

## «ЖАҲОН АДАБИЁТИ» 2010, октябр сони

Журналининг мазкур сони Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Урозбой Абдураҳмоновнинг "Орол: оппоқ девор олдида..." сарлавҳали публицистикаси билан очилади.

"Шеърӣ минтақалари"да япон поэзиясининг таниқли намояндалари Я.Акура, О.Табито, Саймаро, Басё, Бусон, Ё.Кан, И.Такубоку сингари шоирлар ижодидан намуналарни ўқийсиз. Уларни рус тилидан Абду Наби таржима қилган.

"Қўздан олинсаган қадамлар акиси" сарлавҳаси остида замонавий арман шоирлари В.Арсен, К.Халатова, С.Ваннинг бир туркум шеърлари рус тилидан Гузал Беғим таржимасида тақдим этилган. "Шарқ билан Фарби боғлайдиган маънавий-бадиий кўприк" (Чўлпон), дея таърифланган ҳиндистонлик машҳур адиб Р.Тагорнинг ўз юртига чекисиз муҳаббати, меҳри юксак бадиий ифодасини топган шеърларини ҳам журналининг ушбу сонида ўқийсиз (рус тилидан Абдуҳамид Пардаев таржималари).

Португалиялик ёзувчи Камило Кастело Бранконинг "Ҳазон бўлган севги" номи романи муҳаббат мавзуи-



## Журналларни varaqlaganda

да. Романда ота-оналарнинг зиддиятли муносабатлари оқибатида фарзандлар ўртасидаги севги фожиаси тасвирланган. Асарни рус тилидан Назира Жўраева таржима қилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Муҳаммад Хайруллаевнинг "Миртемир домлани эслаб", Шукур Курбоннинг "Озод Шарафиддинов сабоқлари" ёдномалари, рус адиби В.Орлов билан суҳбат ("Литературная газета"дан Мирпўлат Мирзо таржимаси), қозғоғистонлик адабиётшунос Э.Равшановнинг "Чўлпон", Қ.Турдибоевнинг атоқли шоир Иброҳим Юсуфов лирикаси талқинига бағишланган мақолалари билан танишасиз. Тадиқотчи Алимурод Тожиевнинг мақоласида Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "XX аср жаҳон ҳикоялари" китоби ўз ҳақида фикр юритилган.

Норвегиялик ёзувчи Элла Гриффитсининг "Номаълум шерик" номи ўткир сюжетга қурилган детектив романи саргузашт адабиёт ишқибозларига мўлжалланган. Асарни Гулчехра Муҳаммадjon таржима қилган.

Журналнинг ушбу сонида муштарийлар Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон хондонига «таширф буорадилар». Адиб «Болалардан айрилиш кийин» сарлавҳали мақоласида болалиги, вояга етган оиласи, ўша пайтдаги шарт-шароитлар, биринчи ўқувтувчиси, ижод майдонига кириб келиши ҳақида холис, самимий ҳикоя қилган. Шунингдек, шоирнинг янги «Даво деб бил юрт эркин» номи туркум шеърлари билан танишасиз.

*Ёмғир тиниб қолган, ёмғирдан сўнгги  
Музаффо оламга ярашарди куй,  
Олам англай олмас тушимни, ўнгги,  
Ё бу куй дунёга яп-янги бир уй!*

Ушбу мисралар таниқли шоир Йўлдош Эшбекнинг «Тогларга кетамиз, тоғларга!» деб номланган янги туркумидан. Ушбу сонда шоирлардан Нуруллоҳ ва Ориф Ҳожининг ҳам шеърларидан баҳраманд бўласиз. «Биринчи учрашув» руҳида Лола Ниёзова, Хулкар Гойипова ва Дилнуранинг шеърлари берилган.

Абдунаби Ҳамронинг «Қирқ йиллик қасос», Уктамир Мирзаёриновнинг «Кўёв» ҳикоялари, Абдуқаюм Йўлдошнинг «Тўй» номили қиссасининг давоми наср илхос-мандлари эътиборига ҳавола этилган. Атоқли рус адиби Антон Чеховнинг «Аёллик бахти» ҳикояси Шаҳзода Ҳақимова таржимасида берилган.

«Олиш ишқ сурати ёхуд Ватан сурати» эссеида Сирожиiddин Саййид Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижоди ҳақида фикр юритиб шундай ёзади: «Адабиёт, хусусан, шеърӣятнинг ҳам асосий вазифаси шунда: кўнгиллари кўтариш, дилларни яншаттиш, Усмон ака бу эзгу Буручи қатъият ва мардоналик билан удралаб келаятган устоз шоиримиз, катта элнинг катта оқини».

Журналнинг ушбу сонида, шунингдек, Д.Эшқуватованинг «Раҳматулла шоирининг кўнгили олами», Н.Абдуллаеванинг «Эстетик дид тарбияси» мақолалари эълон қилинган.

## «ЁШЛИК» 2010 йил, 11-сон









